

Худойбердиева Ирода Абдухамидовна
Навоий давлат педагогика институти.
иқтисодий ва ижтимоий география
ихтисослиги таянч докторанти.

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОҚЛАРИНИНГ
ЖОЙЛАШУВИ ВА ЧОРВА МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШДА ҲУДУДИЙ ТАФОВУТЛАР**

Аннотация: Ушбу мақола Навоий вилоятида чорвачилик тармоқларининг жойлашуви ва чорва маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ҳудудий тафовутлар ва таҳлилга бағишланган. Аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини меъёрий кўрсаткичлари жадвалда келтирилган бўлиб, статистик маълумотлар асосида аҳоли жон бошига истеъмом учун зарур бўлган гўшт ва сут маҳсулотларини туманлар кесимида тафовутларига тўхталиб ўтилган. Бундан ташқари аҳоли жон бошига чорвачилик маҳсулотлари етиштириш улуши, ҳудудлар кесимида таҳлил қилинган. Таҳлиллар натижасида Томди, Конимех, Нурота, Хатирчи туманлари гўшт маҳсулотлари, Хатирчи Навбахор, Қизилтепа, Кармана туманлари сут маҳсулотини аҳоли жон бошига белгиланган меъёрдан юқори кўрсаткичларга эга эканлигини ҳисобланди. Чорвачилик тармоқларини жойлаштириш ва чорва маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун таклифлар берилган.

Калит сўзлар: Қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, маҳсулот, гўшт, сут, туман, шаҳар, меъёр, ихтисослашув, аграр сектор.

Khudoyberdieva Iroda Abdukhamidovna
*Basic doctoral student at Navoi State Pedagogical Institute
in the speciality of economic and social geography*

**LOCATION OF LIVESTOCK NETWORKS IN THE NAVOI
REGION AND TERRITORIAL DIFFERENCES IN THE PRODUCTION
OF LIVESTOCK PRODUCTS**

Annotation: This article presents the location and analysis of regional differences of livestock industries and livestock production in Navoi region. The normative indicators of agricultural products required for human consumption are given in the table, and on the basis of statistics, the differences in meat and dairy products required for per capita consumption by population are broken down by region. In addition, the share of livestock production per capita was analyzed by region. As a result of the analysis, it was estimated that meat products in Tomdi, Konimex, Nurata, Khatirchi districts, dairy products in Khatirchi Navbahor, Kyzyltepa, Karmana districts have higher per capita indicators. Proposals are given for the location of livestock industries and the development of livestock production.

Keywords: Agriculture, livestock, products, meat, dairy, district, city, norm, specialization, agricultural sector.

Кириш. Пандемия шароитида экологик тоза маҳсулотларни айниқса инсон саломатлиги учун зарур бўлган табиий тоза яъни қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб ортиб бормоқда. Шу сабабли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш ва ўз навбатида ҳудуднинг табиий шароитидан келиб чиқиб, деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларини жойлаштиришни, ривожлантиришни талаб этади.

Аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтёжлари ҳамда чорва маҳсулотларга бўлган талаби, иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан эса аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнат ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш, замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқаришни такомиллаштириш зарур. Ҳудуднинг ер, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиб, қишлоқ хўжалик тармоқларидаги соҳасидаги муаммоларни ижобий ечими орқали иқтисодиётимизни ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилади.

Асосий қисм. Инсон саломатлиги учун экологик табиий маҳсулотлар истеъмол қилиш жуда зарурдир. Чунки пандемиянинг авж олиши ва унинг

асоратлари инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Инсон саломатлигини тиклашда ва қайта касални юқтирмаслик учун албатта озиқ-овқат маҳсулотларини меъёردа истеъмол қилиш ва тўғри овқатланишни талаб этади. Бу учун чорва маҳсулотлари: гўшт, сут, тухум, балиқ гўшти, асал асосий озуқа манбаи ҳисобланади. Жумладан Хайруллин ва бошқа чорва ҳайвонларининг маҳсулотларида кўплаб оксиллар, витаминлар, углеводлар ва ёғлар билан тўйинганлигини айтишади. Аҳолини соғлом овқатланиши соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда бир ҳудудда истиқомат қиладиган аҳолини чорва маҳсулотлар билан меъёр даражасида таъминлаш қобилиятини аниқлаш шу билан биргаликда ишлаб чиқаришни кенгайтириш инсонлар меъёрий рацион асосида озиқланиши хусусида таклиф ва тавсиялар беришган [1].

Аҳоли озиқ-овқатлари таркибида оксил моддалар, каллориялар, углеводлар, витаминлар ҳамда минерал тузлар бўлиши шу билан биргаликда инсон соғлиги учун 65 хилдаги кимёвий бирикмаларни бўлишини талаб этади. Бу витаминларнинг барчаси инсон кунлик истеъмол қиладиган озиқ-овқати таркибида мужассамлиги, аҳоли ҳамда миллат саломатлигини таъминловчи бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли аҳоли сони ошиб бориши ва уларнинг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда келгусида чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш, ишлаб чиқаришни прагноз қилиш ва уни ривожлантиришда алоҳида ўрин тутаяди.

Қуйидаги жадвалда келтирилган “Санитария қоидалари ва нормалари”да асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг аҳоли жон бошига истеъмол қилишнинг меъёрий йиллик ўртача миқдори белгилаб берилган [2].

1-Жадвал

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларнинг йиллик истеъмол меъёри

№	Маҳсулот номи	Жон бошига
1	Гўшт	41.14 кг

2	Сут	46.80 литр
3	Тухум	331.74 дона
4	Балиқ	9.68 кг
5	Асал	3.50 кг
6	Сабзавот	115.47 кг
7	Картошка	43.15 кг
8	Полиз	34.98 кг
9	Мева	75.39 кг
10	Узум	12.93 кг
11	Шакар	7.07 кг
12	Ун	70.20 кг
13	Ўсимлик ёғи	9.33 кг


*Жадвал вилояти иқтисодий тараққиёт ва канбагалликни қисқартириш бош бошқармаси
маълумотлари асосида муаллиф тамонидан тайёрланди*

Чорва маҳсулотларини ишлаб чиқариш аввало, аҳоли эҳтиёжлари, бозор талабига кўра амалга оширилади. Бу талабни амалга оширишда худуднинг табиий ва иқтисодий шароитидан келиб чиқиб чорвачилик тармоқларини шакллантириш ривожлантириш ва чорва маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш саноатини йўлга қўйишни талаб этади.

Чорвачиликка ихтисослашган худудларда чорва ҳайвонларидан олинадиган гўшт-сут, тухум маҳсулотларни маҳсулдорлигини оширишда аввало чорвачиликни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш, чорва ҳайвонлари учун ем ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, ер унумдорлигини ошириб, етарлича ем-хашак базасини мустаҳкамлаш ва бу орқали маҳсулотларнинг нархини меъёردа сақлаш, сифатини яхшилаш, фойдаланиш самарадорлиги ошишига эришиш мумкин [3].

Навоий вилояти қишлоқ хўжалиги чорвачиликка ихтисослашган бўлиб, туманлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак 2021 йил 1 январь ҳолатига кўра аҳоли жон бошига гўшт маҳсулотини бир йиллик етиштириш ҳажми қўйидаги 1-расмда тасвирланган.

Навоий вилоятида аҳоли жон бошига гўшт маҳсулотни бир йиллик маҳсулот етиштириш ҳажми(кг)



Расм вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Статистик маълумотларга кўра, Томди туманини аҳолиси 15 минг кишидан, Конимех туманида эса аҳоли сони 36 мингдан ортиқ кишини ташкил қилади [4]. 1-расмдан кўриниб турибдики етиштириладиган гўшт ҳажми аҳоли жон бошига Томди туманида 624.6 кг, Конимех туманида 346.2 кгни ташкил қилади. Бу ҳудудларда аҳоли сезиларли даражада сийрак истиқомат қилади, табиий шароит жиҳатдан ноқулай. Бу икки туманларда чорвачиликнинг қорамолчилик, айниқса қоракўлчилик соҳасига ихтисослашганлиги сабабли ҳудудда гўшт ва сут етиштириб чиқариш аҳоли жон бошига энг юқори кўрсаткичларни кўрсатиб турибди.

Бу ҳудудларда ем- ҳашак базасини мустаҳкамлаб қўймоқ лозим, лекин Навоий вилоятида асосан яйлов чорвачилиги шаклланган бўлиб, бу ҳудудда фермер хўжаликлари етакчилик қилишади[4].

Хатирчи ва Қизилтепа туманлари вилоятда йирик шохли қорамоллар сонини кўплиги бўйича вилоятда етакчилик қилади. Хатирчи тумани мол ва парранда гўштини етиштириш бўйича 2000-2020 йиллар оралиғида энг юқори кўрсаткичга эга бўлиб, 2000 йилда 9 мингдан ортиқ гўшт ишлаб чиқарган бўлса 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 42 минг тоннага етган[5]. Айни вақтда туман аҳолиси 201.9 минг кишини ташкил қилади, ҳудудда


етиштирилаётган гўштнинг аҳоли жон бошига меъёрдан анча ортиқ яъни 216.4 кг ни ташкил қилади.

Бундан ташқари Нурота, Учқудук, Навбахор, Қизилтепа, Кармана туманларида ҳам бу кўрсаткич “Санитария қоидалари ва нормалари” белигилаб берган меъёрдан 8-10 баробарга юқорилигини кўришимиз мумкин. Лекин Навоий шаҳри 5.8 кг.ни, Зарафшон шаҳри 11.7 кг.ни ташкил қилади. Вилоятда аҳолига жон бошига гўшт етиштиришда туманлар орасида кескин тафовутларни кўришимиз мумкин.

Яна бир асосий чорва маҳсулотларидан бири сут ва сут маҳсулотларини йил мобайнида бир киши 46.80 литрни истеъмол қилиш зарур. Навоий вилояти шаҳар ва туманлар қисмида 2021 йил 1 январ ҳолатига кўра аҳоли жон бошига етиштириладиган сут маҳсулотини бир йиллик маҳсулот етиштириш ҳажми таҳлили 2-расмда тасвирланган, бунда ҳам шаҳар ва туманларда сут етиштиришда тафовутларни кўришимиз мумкин.

Навоий вилоятида аҳоли жон бошига сут маҳсулотларини етиштириш ҳажми(литрда)

2-расм



Расм вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

2-расмдан кўришимиз мумкинки, сут маҳсулоти энг кўп етиштирадиган худудлар Хатирчи, Навбахор, Қизилтепа, Кармана

туманлари бўлиб, бу ҳудудларда асосан қорамолчилик соҳаси яхши шаклланган.

Сутчилик асосан, ўртача ҳароратдаги ва ёғингарчилик етарли даражада ёғадиган ҳудудларда, дарё буйларида, яшил ўтлоқзорларда, адирларда яхши ривожланган [6].

Нурота, Конимех, Томди, Учқудук туманларида ҳам кўрсаткичлар инсон бир йилда истеъмол қиладиган сут миқдоридан анча юқори, Навоий ва Зарафшон туманларида эса бу кўрсаткичлар жуда пасд даражада туманлараро таҳлиллар шуни кўрсатадики “Хатирчи туманида 2000-2020 йиллар оралиғида энг кўп сут етиштирган бўлиб, 2017 йилда 167 минг тонна сут соғиб олинган [5].

Навоий, Зарафшон шаҳарлар аҳолисини сут-гўшт маҳсулотлари билан Навоий вилоятининг бошқа туманлар таъминлайди ва ҳато ўзига қўшни бўлган вилоятларга ҳам экспорт қилиш қобилиятга эга.

Юқоридаги 1 ва 2 расмлар орқали Навоий вилояти шаҳар ва туманлари кесимида аҳоли жон бошига нисбатан етиштирилган гўшт ва сут маҳсулотларининг ҳар бир шаҳар ва туманнинг вилоятда улушга эга эканлигини ҳисоблашимиз мумкин. Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига мос келувчи чорвачилик маҳсулотларини етиштириш улушини аниқлаш учун, етиштирилган чорвачилик маҳсулотлари миқдорини ҳудудлар кесимида олиш ва қийматни 100 фоизга кўпайтириш ва натижани вилоятда жами етиштирилган чорвачилик маҳсулотлари миқдorigа бўлишимиз лозим:

$$\text{ЧМЙУ}^{x,k} = \frac{\text{ЙЧММ}^{x,k} * 100\%}{\text{ЖЙЧММ}^{в,k}}$$

Бунда,


ЧМЙУ^{x,k} – Аҳоли жон бошига чорвачилик маҳсулотларни етиштириш улуши, ҳудудлар кесимида.

ЙЧММ^{x,k} - Аҳоли жон бошига, етиштирилган чорвачилик маҳсулотлари миқдори, ҳудудлар кесимида.

ЖЙЧММ^{В.К} – Аҳоли жон бошига жами етиштирилган чорвачилик маҳсулотлари миқдори, вилоят кесимида.

Вилоятда аҳоли жон бошига етиштириладиган умумий гўшт маҳсулотини туман ва шаҳарлар кесимидаги улуши

3- расм



Расм вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.


Демак 3-расмда тасвирланганидек вилоятда аҳоли жон бошига етиштириладиган умумий гўшт маҳсулотини туман ва шаҳар кесимида улушини таҳлил қиладиган бўлсак Томди тумани деярли 29 фоизини, Навоий шаҳар 0.3 фоиз, Зарафшон шаҳари 0.5 фоизни ташкил қилади, қолган ҳудудлар эса 8-17 фоиз оралиғида гўшт ва гўшт маҳсулотларини етиштириб беради.

Сут етиштирадиган ҳудудларда ҳамда сут ва сут маҳсулотларига эҳтиёж кўп бўладиган ҳудудлар атрофида қайта ишлаш саноатини йўлга қўйиш, у ерда маҳсулотни қайта ишлаш, қадоқлаш корхоналарини ташкил этиш ва бу корхоналар шаҳар атрофидан ҳамда бозорга яқин ҳудудларда жойлаштириш зарур.

Томди, Конимех, Учқудуқ туманларида яйлов чорвачилиги яъни кўйчилик-эчкичилик тармоғи шаклланган бўлиб гўшт ва жун етиштириб беради. Хатирчи, Навбахор, Қизилтепа, Нурота, Кармана, туманларида асосан сут ва сут маҳсулотларини етиштиришда етакчилик қилади.

Вилоятда аҳоли жон бошига етиштириладиган умумий сут маҳсулотини туман ва шаҳарлар кесимидаги улуши

4-расм



Расм вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

4-расмда вилоятда аҳоли жон бошига етиштириладиган умумий сут ва сут маҳсулотини туман ва шаҳар кесимидаги улушини таҳлили қилинган. Бунда Хатирчи тумани 20 фоиз, Навбаҳор тумани 19 фоиз, Қизилтепа тумани 16 фоиз, Кармана, Нурота, Конимех туманлари 10-14 фоиз оралиғида улушга эга. Томди тумани 6 фоиз, Учкудук тумани 3 фоиз улуш етказиб берилади. Навоий ва Зарафшон шаҳарлари эса 0.2 ва 0.36 фоиз улушни беради.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда юқорида келтирилган жадвал ва расмларда Навоий вилоятида аҳоли истеъмоли учун етарли бўлган сут ва гўшт маҳсулотлари етиштирилади. Келтирилган статистик таҳлиллар шуни кўрсатиб турибдики вилоятнинг туманлари ўз эҳтиёжини ортиғи билан қондириш имконига эга. Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатиб турибдики, вилоят туманлари юқори экспорт имкониятларига эга, Навоий ва Зарафшон шаҳарлари эса аҳоли жон бошига гўшт ва сут маҳсулотлари истеъмол меъёрини қондириш ва бошқа вилоятларга экспорт қилиш, маҳсулотларни сифати бўзилмасдан бозорга, истемолчига етказиш

зарур. Шунингдек бу таҳлиллар натижасида қўйидаги таклифлар илгари сўрилди

-Чорва ҳайвонлари учун етарлича ем хашак базасини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш бу учун ер унумдорлигини ошириш. Худуддаги яйлов хосилдорлигини ошириш ва янги қудуқлар қазииш, мавжуд қудуқларни қайтадан таъмирлаш мақсадга мувофиқ.

- Чорва маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун табиий ва иқтисодий омилларини ҳисобга олган ҳолда Навоий шаҳар атрофида гўшт ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш, қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш ва мавжуд корхоналари замонавий технологиялар асосида таъминлаш лозим.

- чорва хўжаликларини ҳуқуқ манфаатларини ҳимоя қилиш, кичик ва ўрта тадбиркорликда гўшт ва сут етиштиришни қўллаб қувватлаш учун тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратиш, маҳсулотларни сифати бузилмаган ҳолатда истеъмолчига етказишда транспорт инфратузилмасини яхшилашга эътибор қаратиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Хайруллин. Марс Фаритович, "О потребительских предпочтениях при выборе мясных продуктов." *Мясная индустрия* 12 (2011): 15-1
2. Навоий вилояти иқтисодий тараққиёт ва канбағалликни қисқартириш бош бошқармаси маълумотлари, 2021 йил.
3. Tikhomirov, A. I., and V. I. Chinarov. "Economic efficiency of production and realization of livestock products." *Экономика Сельскохозяйственных и Перерабатывающих Предприятий* 9 (2017): 25-29.
4. Навоий вилояти статистика бошқармаси маълумотлари, 2021 йил.
5. Комилова Н.К, Худойбердиева И.А. Навоий вилояти чорвачилигининг айрим иқтисодий географик жиҳатлари. ЎзМУ хабарлар. 3/2 сон. Тошкент. 2021.ИССН 2181-7324. 175 б
6. Солиев.А.С., Комилова Н.К., Янчук С.Л., Жумахонов Ш.З., Ражабов Ф.Т. Иқтисодий ва ижтимоий география. Дарслик, "Ношир", Т.2019. 138 б